Oʻzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

210

140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704,г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «12» ноябр № 2750-к Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**Иштихон тумани Митан шаҳарчаси Митан кўчаси 21-рақамли уйда яшовчи фуқаро Мирзаев Музаффарнинг ер участкасига ва биноларига бўлган мулкий ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида**

Туман ҳокимининг 2015 йил 1 декабрдаги "Туманда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларни хатловдан ўтказиш тўғрисида"ги 70-ф-сонли фармойиши асосида тузилган ишчи гуруҳнинг 2016 йил 30 октябрдаги 273-сонли йиғилиш баённомасини, **Мирзаев Музаффарнинг** аризасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 7 ва 19-моддаларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли ҳамда 2016 йил 3 августдаги 251-сонли қарорларига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н**

1. Туман ҳокимлиги ишчи гуруҳининг 2016 йил 30 октябрдаги 273-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин. *(йиғилиш баёни илова қилинади).*

2. фуқаро **Мирзаев Музаффарнинг қуйидаги:**

а) ҳовли-жой фойдаланишидаги жами **0,196** га ер участкасини 0.15 га қисмига **мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;**

б) ушбу ер участкасида жойлашган бинолар рақами 0001,0002,0003,0004,0005,0006, 0007, 0008 билан белгиланган, жами қурилиш ости майдони 321,01 кв.метр, умумий фойдали майдони 246,99 кв.метр, шундан яшаш майдони 102,16 кв.метр, яшаш хоналар сони 6 тани ташкил этадиган биноларига нисбатан **мулкка эгалик ҳуқуқи тан олинсин.**

3. Туман Давлат солиқ инспекцияси (М.Назаров)га мазкур карор кабул килиниши билан ўрнатилган тартиб ва муддатларда жами бинолар ости майдони билан умумий ер майдони 0,196 гектар ер майдони ва мол мулк солиқларига конунда белгиланган тартибда солик тўловларини тулик ундириб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. "Митан" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси (А.Бобокулов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўрнатилган тартибда хўжалик дафтарига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Архитектура ва қурилиш бўлими (И.Азимов)га Бош режа талаблари асосида ҳовли-жойдаги қурилишларни назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси (Х.Астонов)га мазкур ер участкаси ҳамда бино-иншоотларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва бу ҳақда тегишли гувоҳномаларни расмийлаштириб бериш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат килиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Валиев) зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** [signature] **Ш.Негматов**